

Tibbiyot insonni, veterinariya insoniyatni asraydi!

ZOOVETERINARIYA

Ilmiy-omtabor  *jurnal*

Ҳар бир раҳбар одамларнинг дардига қулоқ солиши, муаммоларини ҳал қилиши, бир сўз билан айтганда, уларни рози қилиш ташвиши билан ишлаши керак. Шунда уларнинг давлатга, келажакка ишончи ортади. Маҳаллаларни обод қилиб, халққа барча қулай шароитларни яратиш бу борада муҳим аҳамиятга эга.

Шавкат Мирзиёев



2017

5 (114)

май

ISSN 2091-554-3

3-бет

Президент шижоати
халқни
қувонтирмақда

5-бет

“Олтин тулпор”
муборак

20-бет

Иммуности-
муляторлар

24-бет

Бруцеллёздан
огоҳ бўлинг

28-бет

“Бромолона” –
кемирувчиларга
қарши

41-бет

Соя – хосияти
беқиёс

45-бет

90 ёш

муборак

Иммунотроп моддаларнинг уч гуруҳи фарқланади:

– иммунитетни шакллантирувчи моддалар: бу гуруҳ моддалари даволовчи дозаларда иммун тизим фаолиятини тиклайди. Уларни стресс таъсирларнинг олдини олиш ҳамда ҳайвонлар туғишининг охири давларида қўллаб, самарадорликка эришилган;

– Иммунитетни стимулловчи моддалар: асосан организм иммунитетини кучайтириб, уни физиологик соғлом ҳолатидаги кўринишига олиб келади. Ушбу гуруҳ моддаларининг асосий вазифаси – иммун тизимидаги модда алмашинувини оширади. Бундай фаоллик хусусиятига тимус, интерферанлар, интерферон индукторлари, биологик фаол пиптидлар, даволовчи эмламалар ва микроорганизмлар пробиотиклари (бифидобактерия, лактобактерия, пропинли нордон бактерия) эга. Уларни озука таркибига қўшиш организм умумий ҳолатининг қувватланишига ҳамда физиологик ҳолатининг тикланишига олиб келади;

– Иммунодепрессантлар – организмнинг иммун жавоб бериш хусусиятини сусайтиради [8].

Ҳозирда чорвачилик амалиётидаги ёш ҳайвонларнинг дастлабки ўсиш даврида учрайдиган касалликларида мавжуд иммун етишмовчиликларининг юзага келишини икки даврга бўлиш мумкин: биринчи даври – увуз сутининг ўз вақтида етарлича ёш организмга тушмаслиги ва шу билан биргаликда, ушбу ҳайвонлар иммун тизимининг айтарли даражада тўлиқ ривожланмаслигида бўлса, иккинчидан эса ёш ҳайвонларнинг 10-14 кунлик даврида ҳам иммун тизимидаги танқисликларнинг кузатилиши асосий сабаблардан бири сифатида кўрсатилмоқда. Бу ҳолатлар асосан гумарол, махсус ўзига хос иммун кўрсаткичларининг пасайиши билан боғлиқ бўлиб, тўқима иммунитетининг ва ўзига хос чидамлик ҳамда таъсиротларга жавоб бериш хусусиятларидаги барча кўрсаткичларнинг пасайишига олиб келмоқда [3;5].

Ю.Н. Федоровнинг [7] таъкидлашича, организмда кечадиган барча патологик ҳолатлар иммун тизимидаги бузилишлар туфайли юзага келиши натижасида асосий касалликнинг сурункали шаклга ўтиб кетишига шароит яратади. Айнан шундай ҳолатларга йўл қўймаслик мақсадида иммуностимуляторларни қўллаш талаб этилади.

Имуностимуляторлар куйидаги ҳолатларда:

– организмда кечадиган сурункали бактериал, замбуруғли ва вирусли инфекцияларда;

– саратон ўсмаси ҳосил бўлиши жараёнида;

– бирламчи иммун танқисликлари кузатилганда;

– барча иккиламчи иммун танқисликлар шаклланиши билан алоқадор бўлган патологик

(заҳарланиш ва жароҳатланишдан кейинги) жараёнларда;

– турли хил кимёвий, физикавий ва биологик омиллар таъсирида (инфекцияли, йирингли ва сепсисли жараёнлар натижасида) юзага келган иммун танқисликларида;

– экологик жиҳатдан носоғлом ҳудудларда яшаш жараёнларида ҳамда жисмоний толиқишлар юзага келганда қўлланилади.

Имуностимуляторлар ҳайвонлар касалликларини даволашда алоҳида ёки пробиотиклар ҳамда бошқа даволовчи дори моддалари билан биргаликда, агарда жарроҳлик ишлари ўтказилган бўлса, қўшимча даволовчи восита сифатида қўлланилади. Ўртача даволаш курси 2-3 инъекцияни, юқори даволаш курсида эса 7 та инъекцияни ташкил этади.

Организмда иммун танқислигини бартараф этувчи ва уларга қарши самарали ҳамда кенг таъсир доирасига эга бўлган иммуностимуляторларни илмий тадқиқотлар асосида излаб топиш, ўрганиш ва уларни ишлаб чиқарилишини ташкил этиш бугунги кундаги асосий мақсадлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, иммуностимуляторларни чорвачилик амалиётида кенг қўламда самарали қўлланилиши кўплаб касалликларни даволаш ва олдини олишда замин яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Девришов и др. Иммуномодулирующие свойства “Бурсина” // «Ветеринарная медицина» 2009. – №1-2.
2. Игнатов П.Е. Иммунитет и инфекция. – М.: «Время», 2002. – С.352
3. Карпуть И.М. Синдромы иммунной недостаточности у молодняка. Актуальные проблемы и достижения в области репродукции и биотехнологии размножения животных. – Ставрополь, 1998. – С. 259-260.
4. Кириллов Н.К. Здоровье и продуктивность животных. – Чебоксары, 2006. – С 256.
5. Петрянкин Ф.П, Петрова О. Ю. «Ветеринарная патология», 2008. – №1. – С.70-73
6. Соколов В.Д. Фармакология – Санк-Петербург, 2010. – С 375-379.
7. Федоров Ю.Н. Иммунодефициты крупного рогатого скота //«Ветеринария», 2006. – №1. – С 3-6.
8. Хаитов Р.М. Иммуномодулятори, механизм действия и клиническое применение //“Иммунология”, 2003. – №4. – С. 196-203.

ИММУНОСТИМУЛЯТОРЛАР ВА УЛАРНИ ВЕТЕРИНАРИЯ АМАЛИЁТИДА ҚўЛЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ

Аннотация

В статье дано рекомендации о эффективности применения иммуностимуляторов в животноводстве и ветеринарии.

Summary

In the article was given recommendation on the effectiveness of the use of immunostimulants in animal husbandry and veterinary medicine.

Калит сўзлар: *иммунодиффецит, иммуностимулятор, антитело, Т и В лимфоцит, нейтрофил.*

Иммуностимуляторларнинг ветеринария амалиётида қўлланилиши 1973 йилга тўғри келади. Асосан шу даврга келиб, «ветеринария иммунофармакология» фанининг ривожланишига ҳам замин яратилди.

Организмнинг касаллик чакирувчи микроорганизмлардан ҳимояланиш асосини антителолар ташкил қилади. Кўплаб ҳайвонлар қон массасининг 1% га яқини антителолардан иборат. Хусусан, организмда кечаётган турли хил патологик жараёнларда Т ва В лимфоцитларнинг миқдорий кўрсаткичларининг камайиши кузатилади. Натижада лейкоцитлар ҳаракатида тўхталиш, нейтрофиллар ютиб олиш (фагоцитлар) фаоллигининг пасайиши ҳамда медиаторлар иммун ҳимоясининг сусайишига олиб келади.

Ҳайвонларда иммун танқислиги юзага келганда, иммуностимуляторларни қўллаш эҳтиёжи туғилади, натижада улар:

- организм иммун ҳолатини бошқариб, салбий таъсирларга нисбатан чидамликни оширади ва шу билан биргаликда, эмлаш тадбирлари ўтказилганда иммун тизими фаолиятини янада кучайтиради;

- организмнинг ҳимоя кучини ошириши туфайли кўплаб доривор воситалар, хусусан, микробларга, вирусларга ва паразитларга қарши қўлланиладиган моддалар самарадорлигини оширади;

- яраларнинг тезда тузалишига замин яратади ва шу билан биргаликда, тўқималар тикланиш жараёнини стимуллади;

- ёш ҳайвонларнинг ўсиш ва ривожланишини таъминловчи хусусиятга эга;

- стресс-таъсирларни сусайтиради ва ҳайвонларнинг жойларга ўрганиш хусусиятини таъминлайди.

Иммуностимуляторларни келиб чиқиши жиҳатидан қуйидагича таснифлаш мумкин [6;7]:

- сунъий препаратлар: левамизол, этимизол, изамбен, метилурацил, камизол, димефосфан ва бошқалар;

- бактериал хусусиятга эга препаратлар: пирогенал, продигиозан;

- ҳайвонлар тўқима ва органларидан тайёрланадиган препаратлар: тимус препаратлари, агарли тўқима препаратлари, нуклеинат натрий ва бошқалар;

- ўсимликлардан олинадиган моддалар: электрокок, женьшень, лимонник, алоэ, лиманнин, эраконд, фоспренил.

Хорижий давлатларда замонавий иммуностимуляторлардан ПС-2 (иммуноксан), бурсин, миелопид, бактонеотим, риботан, ронколейкин, гамавит, сальмозан ва гликопин каби препаратлар ҳам чорвачилик амалиётида қўлланилиб, яхши натижаларга эришилмоқда.

Фармакологияда иммун тизимни стимуловчи аминокислоталар, тўқима препаратлари, махсус зардоблар ва бактериал препаратлар ҳам мавжуд.

Ҳозирги пайтда илмий тадқиқотчи ва амалиётчи врачлар томонидан организмда иммун тизимини тиклаш ва уни даволаш муаммосига қизиқиш сезиларли равишда ошиб бормоқда. Бунга асосан ҳайвонлар организмга доимий равишдаги ташқи муҳит таъсири ва унинг оқибатида юзага келадиган салбий ҳолатлар ва экологиянинг бузилиши сабаб бўлмоқда. Ушбу таъсирлар биринчи навбатда ҳайвон организмнинг ҳимоя фаолиятини, хусусан ўзига хос бўлмаган чидамлилиги ва иммун тизимининг ҳолсизланишига олиб келмоқда [4].

Таъкидлаб ўтиш жоизки, ветеринария амалиётида антибиотиклар ва бошқа шу каби кимётерапия моддаларнинг кенг кўламда қўлланилиши туфайли бундай препаратларга нисбатан микроорганизмлар чидамлилиги ошиб бормоқда, натижада олиб борилаётган доимий даволаш усули кутилган даволаш самарасини бермаяпти. Шунинг учун ҳам ҳайвонлар орасида учрайдиган кўплаб юқумли ва юқумсиз касалликларни даволашда иммунотроп препаратларининг қўлланилиши қанчалик муҳим ва самарали эканлиги ўз исботини топмоқда [1;2].

Таҳрир ҳайъати раиси

Б. Сайитқулов – в.ф.н.

Таҳрир ҳайъати:

- Ш. Акмалхонов – академик
- Ж. Азимов – академик
- Б. Зарипов – академик
- С. Азимов – профессор
- Р. Давлатов – профессор
- Н. Йулдошев – в.ф.н.
- И. Маматқулов – профессор
- У. Носиров – профессор
- Қ. Норбоев – профессор
- Б. Норқобилов – ДВББ
- А. Орипов – профессор
- Ҳ. Салимов – профессор
- Б. Салимов – профессор
- Ш. Умаров – қ.х.ф.д.
- Н. Бобоқулов – профессор
- С. Юсупов – профессор
- А. Қахаров – профессор
- Д. Ёрматова – профессор
- Ш. Жабборов – в.ф.н.
- Х. Ниёзов – в.ф.н.
- Д. Пирназаров – ЧНИБДИ

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи:

Абдунаби АЛИҚУЛОВ

Муҳаррир (рус тили):

Владимир ДУБОВ

Муҳаррирлар:

Чори БАДАЛОВ

Мактуба МУМИНОВА

Мусаҳҳих:

Гулсара САЙИТҚУЛОВА

Дизайнер:

Хусан САФАРАЛИЕВ

2007 йил сентябрдан чоп этилмоқда

Лойиҳа ташаббускори ва раҳбари:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги

Давлат ветеринария бош бошқармаси

Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги

Давлат ветеринария бош бошқармаси

Ўзбекистон Фермерлари Кенгаши, «AGROZOOVETSERVIS» масъулияти чекланган жамияти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2010 йил 31 декабрда 0284-рақам билан рўйхатга олинган

Манзил: 100070, Тошкент шаҳри, Усмон Носир, 22 А/Я: 5628.

Таҳририят манзили: 100084, Тошкент шаҳри, Халқобод 4-тор, 4-уй
Тел.: + (99895) 170-22-35 (0371) 234-77-22

Web-сайт: www.vetjournal.uz
E-mail: zooveterinariya@mail.ru

Адади 4830.

Нашр индекси: 1162

Босишга рухсат этилди: 06.05.2017. Бичими 60x84¹/₈. Офсет усулида чоп этилди. 6,0 б.т. Буюртма №230

Баҳоси келишилган нарҳда.

© Zooveterinariya, #05 (114) 2017
Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида чоп этилди.

Манзил: Тошкент ш., Лабзак кўчаси, 86-уй.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Янги давр нафаси

А.Алиқулов – Президент шижоати элни қувонтирмоқда 3
Жараён

А.Эргашев – Ветеринариянинг Биринчи конференцияси ва “Олтин тулпор” танлови 5

Она Ватанимизни Яратганинг ўзи асрасин

Н.Эргашев – Боболару оталар руҳи бизни қўлласин 8
Жараён

А.Ш. Алимарданов – Буфер ҳудудлар ветеринария назоратида 9
Ч.Бадалов – Наслчиликни такомиллаштириш – фаровонлик омили 10

ВЕТЕРИНАРИЯ ТИББИЁТИ

Юқумли касалликлар

Г. Х. Мамадуллаев, А. С. Тўраев – М. Tuberculosis №4149 штаммининг туберкулоз статик препаратга нисбатан монорезистентлиги ва сезувчанлиги 11

Р.Ф. Рўзиқулов, Д.М. Болтаев – Қоракўл қўзиларининг ичак бактерияларига қарши табиий ва сунъий иммун хусусиятлари 14

Паразитар касалликлар

В.М.Дўсқулов, А.Ғ.Ғафуров – Тейлериоз кўзгатувчиси theileria annulata ни криоконсервация қилиш усули 17

Юқумсиз касалликлар

Ю.Салимов, Т.Ҳатамов – Иммуностимуляторлар ва уларни ветеринария амалиётида қўллашнинг аҳамияти 20

Акушерлик ва гинекология

Б.М.Эшбўриев ва бошқ. – Сигирларда эндометритларнинг турлари ва кечиш хусусиятлари 22

Зооантропоноз касалликлар

А.А.Акбаров, И.Х. Маматқулов и др. – Краткая история изучения и перспективы борьбы с бруцеллёзом человека и животных 24

Фармакология ва токсикология

М.Ш.Мирзаев и др. – Эффективность «Бромолона» против грызунов 28
Д.Ибрагимов – Токсикологическая характеристика ферулена 29

Б.Ф.Муртазин ва бошқ. – Моллар пуштсизлигининг олдини олишда биологик препаратларнинг аҳамияти 32

ЧОРВАЧИЛИК

Наслчилик

И.Я.Эшматов – Чорвачиликда селекция-наслчилик ишларини яхшилаш йўллари 35

Қоракўлчилик

Ж.Х.Ибрагимов – Турли рангдаги қоракўл қўзилари гўшт маҳсулдорлигининг шаклланиш хусусиятлари 37

Пиллачилик

Ш.Умаров ва бошқ. – Ипак қуртининг янги усудда тайёрланган элита популяциясида ҳаётчанлик ва маҳсулдорлик белгиларининг киёсий таҳлили 39

Озуқа

Д. Ёрматова – Соя дони ва ундан озуқа сифатида фойдаланиш 41

Б.Бекчанов, Т.Муқимов – Чўл озуқабоп ўсимлик навларининг хўжалиқбон хусусиятларига, тупроққа турли усулларда ишлов беришнинг таъсири 43

Табрик

Қоракўлчилар устози 45
Саодатли 90 ёш 45

Эл эъзодидаги ветеринар 45
Малакали соҳа фидойиси 46

Хотира

Устоз хотираси абадийдир 46
Муштарийлар ижодидан

Х.Худойбердиева 47
Хўжа Аброр 47

Ақд чархи

Кроссворд 48